



АЁЛЛАРДА COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА РИВОЖЛАНМАГАН ҲОМИЛАДОРЛИК КЕЧИШИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ

Буриев Хусаин Хамракулович

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация: COVID-19 пандемияси даврида аёлларда ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатларининг кўпайиши кузатилди. Ушбу тадқиқот Самарқанд вилоятида истиқомат қилувчи 97 нафар аёл ўртасида ўтказилиб, пандемия шароитида ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатларининг кечиши ва уларга таъсир этувчи хавф омиллари аниқланди. Тадқиқотда қатнашган аёллар икки гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳни пандемия вақтида ривожланмаган ҳомиладорликка дуч келган 62 нафар аёл, назорат гуруҳини эса физиологик ҳомиладорлиги кузатилаётган 35 нафар аёл ташкил қилди. Олинган натижаларга кўра, асосий гуруҳда соматик ва гинекологик касалликлар, шу жумладан, анемия, гипертензия, эндометриоз, ТПКС ва бенуштлиқ ҳолатлари икки барабар кўп учраган. Шунингдек, абортлар ва ўз-ўзидан бўлган ҳомила тушиишлари ҳам юқори фоизда қайд этилган. Тадқиқот натижалари COVID-19 инфекциясининг репродуктив саломатликка салбий таъсирини тасдиқлайди ва бундай ҳолатларни бартараф этиш учун самарали профилактика ва назорат механизмларини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: COVID-19, ривожланмаган ҳомиладорлик, хавф омиллари, соматик касалликлар, гинекологик патология, аборт, ТПКС, репродуктив саломатлик, пандемия.

Долзарблиги. COVID-19 пандемияси бутун дунёда аҳоли саломатлиги учун жиддий хавф солди. Айниқса, ҳомиладор аёллар ўртасида инфекция оқибатида юзага келган ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатлари сони кўпайди. Ушбу тадқиқотда пандемия даврида аёлларда қайд этилган ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатларининг кечиши ва уларга таъсир этувчи хавф омиллари чуқур таҳлил қилинди.

Тадқиқот мақсади

COVID-19 пандемияси вақтида ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатлари ва улар билан боғлиқ хавф омилларини аниқлаш.

Материаллар ва усуллари

Тадқиқотда Самарқанд вилоятида истиқомат қилувчи 97 нафар аёл иштирок этди. Улар орасида:

- Асосий гуруҳ – пандемия даврида ривожланмаган ҳомиладорликка дуч келган 62 нафар аёл





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

• Назорат гуруҳи – физиологик ҳомиладорлиги кузатилаётган 35 нафар аёл

Сўровнома Google Forms платформаси орқали тузилди ва аёлларнинг ёши, репродуктив анамнези, гинекологик ва соматик касалликлари, зарарли одатлари ва операциялар ҳақидаги маълумотлар йиғилди.

Асосий натижалар

• Тадқиқотда қатнашган аёлларнинг ўртача ёши $25,4 \pm 0,3$ ёшни ташкил қилди. Уларнинг 92% эрта репродуктив ёшдаги аёллар эди.

• Асосий гуруҳда соматик касалликлар (анемия, гипертензия, цистит, гастрит, қалқонсимон без касалликлари) 2 баравар кўп кузатилди.

• Гинекологик патологиялар, хусусан, ТҲС (ТПКС), эндометриоз, бачадон бўйни касалликлари ва бепуштлик ҳолатлари ҳам асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан анча юқори бўлган.

• Аборт ва ўз-ўзидан ҳомила тушини ҳолатлари асосий гуруҳда 40,3%, назорат гуруҳида 28,6% ни ташкил этган.

Хулоса

COVID-19 инфекцияси фонидида ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатлари юқори учраши, айниқса, соматик ва гинекологик патологиялар, абортлар сони ва самарасиз контрацепция усуллари билан яқин боғлиқ. Олинган натижалар шундан далолат берадики, пандемия даврида репродуктив ёшдаги аёлларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича самарали профилактика ва диспансеризация тадбирларини янада кучайтириш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абусуева З. А., Омарпашаева М. И., Хашаева Т. Х. Реабилитация после прерывания неразвивающейся беременности: изменение цитокинового статуса в динамике различных методов терапии //Безопасность здоровья человека. – 2018. – №. 1. – С. 6-17.

2. АБДИКУЛОВА М. К. и др. Анализ неразвивающейся беременности //Валеология: Здоровье, Болезнь, Выздоровление. – 2022. – №. 1. – С. 111-114.

3. Алиева Э. Н., Утепова Р. Я., Мамырбекова С. У. Выявление влияния факторов риска на развитие неразвивающейся беременности //Валеология: Здоровье, Болезнь, Выздоровление. – 2022. – №. 1. – С. 148-150.

4. Акулич Н. С. и др. Факторы неразвивающейся беременности //Интернаука. – 2018. – №. 15-1. – С. 60-61.

5. Андреева М. В., Сивко Т. С. Неразвивающаяся беременность. этиологические аспекты //Актуальные вопросы современной медицины. – 2019. – С. 80-82.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

6. Андреева М. В. и др. Современный взгляд на проблему неразвивающейся беременности //Медицинский вестник Юга России. – 2021. – Т. 12. – №. 3. – С. 6-11.

7. Андреева М. В., Сивко Т. С. Неразвивающаяся беременность. этиологические аспекты non-developing pregnancy. etiological aspects //ББК 54.1 А 43. – 2019. – С. 80.

8. Андреева М. В. и др. Современный взгляд на проблему неразвивающейся беременности //Медицинский вестник Юга России. – 2021. – Т. 12. – №. 3. – С. 6-11.

